

ACHAMITY OF FOLK PEDAGOGY IN THE DEVELOPMENT OF UZBEK FOLK APPLIED DECORATIVE ART

M.B.Akhmedov

Phd, Dosent, TDPU Named After Nizami (Uzbekistan)

muhammadumar.ahmedov@inbox.ru

Annotation: The article examines the problems faced by our ancestors in the process of teaching the younger generation to folk crafts, and measures to solve them.

Keywords: brass, bucket, bowl, bowl, bowl, barrel, jug, spoon, wheel, hammer, spear, saddle, manjanak, chair, shelf, cart, table, plate, chair, artist.

ЎЗБЕК ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ АХАМИЯТИ

М.Б.Ахмедов

PhD, доцент

Низомий номидаги ТДПУ (Ўзбекистон)

muhammadumar.ahmedov@inbox.ru

Аннотация: Мақолада ота-боболаримизнинг халқ амалий безак санъатини ёш авлодга ўргатиш жараёнида учраган муаммолар ва уларни бартараф қилишга қаратилган чора тadbирлар ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: жез, челак, коса, лаган, тоғора, бочка, сувдон, қошиқ, ғилдирак, омоч, найза, эгар, манжанақ, курси, токча, арава, хонтахта, лавҳ, курси, мусаввир.

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы, с которыми столкнулись наши предки в процессе обучения подрастающего поколения народным промыслам, и меры по их решению.

Ключевые слова: латунь, ведро, чаша, чаша, чаша, бочка, кувшин, ложка, колесо, молоток, копье, седло, манжанақ, стул, полка, тележка, стол, тарелка, стул, художник.

Annotation: The article examines the problems faced by our ancestors in the process of teaching the younger generation to folk crafts, and measures to solve them.

Keywords: brass, bucket, bowl, bowl, bowl, barrel, jug, spoon, wheel, hammer, spear, saddle, manjanak, chair, shelf, cart, table, plate, chair, artist.

Шарқ халқларининг узоқ тарихида, ҳатто одамзод пайдо бўлишининг бошланғич давралида, масалан, ибтидоий жамоа тузумида, қулдорлик жамияти тузумида ҳам ёш болаларнинг, келажак авлоднинг тарбиясига эътибор бериб келинган. Ибтидоий жамоа тузумида дастлаб ёғочлардан айрилар, ўткир учли найзалар яшаш ва улар билан ов қилиш ўргатилган бўлса, кейинчалик ёғочлардан турли тош, жез, суяк кабиларга дасталар ўрнатиш, улар билан меҳнат қилиш, ов қилиш, турли хил мосламалар яшаш ўргатилган. Қулдорлик тузумига келиб, ёғоч асбоблар, дасталар, мосламалар яшаш такомиллашди, ўзига хос сифат, жило берадиган қилиб, қўлланилиш мақсадига қараб, ўз вазифасини аниқ бажара оладиган қилиб ясалди ва бу ишлар фарзандларга, шогирдларга ўргатиб борилди. Ёғочдан уй-рўзгор буюмлари: челақлар, косалар, лаганлар, тоғоралар, бочкалар, сувдонлар, қошиқлар, турли асбоблар учун дасталар, ғилдираклар, омонат қисмлари; ҳарбий мақсадлар учун ашёлар: найзалар ва ўқлар дасталари, эгарлар, деворларни бузиш мосламалари, манжанақлар, нарвонлар, кўприклар, декчалар, сафар анжомлари; қурилиш мақсадлари учун ашёлар: устунлар, тўсинлар, эшиклар, панжаралар, дарвозалар, курсилар, токчалар, аравалар, тахтиравонлар ва бошқа юзлаб номдаги мосламалар тайёрланган, ҳаётда самарали фойдаланилган. Албатта, ушбу ёғоч жиҳозларни тайёрлаш, яшаш ва фойдаланиш даврида ёш ўсмир болалар бевосита ёки билвосита иштирок этганлар, бу йўл билан уларнинг шу соҳадаги билимлари такомиллаштириб борилган. Феодал тузуми даврига келиб, буюк давлатчилик сиёсатлари баравар ривожлантирилди, барча соҳалардаги асбоб-ускуналар, жиҳозлар ишлаб чиқариш жуда кенг миқёсда тараккий этди, ҳатто, нафис санъат даражасига етди. Энди буюмлар ва жиҳозларнинг фақат иш бажаришга чидамлилигигагина эмас, балки нафис, гўзал, чиройли, безакли қилиб тайёрланишига ҳам жиддий эътибор берилди¹.

Эрамининг VIII аср охири IX асрнинг бошида яшаб ижод этган аллома Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг (783-850) 20 дан зиёд асарларидан бизгача 10 га яқини етиб келган. Буюк мутафаккир ал-Хоразмий бутун дунё фани таракқиётида ёрқин из қолдирган олимдир. Унинг «Ал-жабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида», «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб», «Қўшиш ва айириш ҳақида китоб», «Зиж» каби асарларидан ташқари «Астурлоб яшаш ҳақида китоб», «Астурлоб билан ишлаш ҳақида»ги китобларида ўта мураккаб ўлчов асбоблари яшаш ва улардан фанда фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Демак, ўтмиш алломалари турли назарий ғоялар бериш билан чегараланиб қолмасдан амалда турли асбоблар, қурилмаларни ўзлари аниқ ҳисоблар асосида ясаганлар ва фойдаланганлар².

Турли асбоблар яшаш ва ундан ўз ижодий фаолиятларида бевосита фойдаланиш анъанасини давом эттирган алломалардан яна бири Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Кассир ал-Фарғоний (797-865) дир. Унинг «Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб» асари бизнинг давримизгача етиб келган, турли тилларга таржима қилинган, жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланмоқда.

Ёшларга одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиш, уларни илм-фан сирларини эгаллашга жалб этиш, савоб ишларни бажаришга йўналтириш, ижод билан шуғулланишга даъват этишга жуда кўп алломалар ўз асарларида эътибор бердилар. Аҳмад Юғнакий (XII аср), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий

¹ Аҳмедов М.Б. Ёғоч ўймкорлиги. –Т.: Адабиёт учкунлари, 2017, –20 б.

² Хайруллаев М. Шарқ ренессанси ҳақида. –Т.: «Гулистон» журн. 1970, №8.

(824-892), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (860-941), Носир Хисрав (1004-1088), Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Махмуд Кошғарий (XI аср), Аҳмад Яссавий (1103-1166), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Мирзо Улуғбек (1394-1449), Абдурахмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий (1441-1501) каби кўплаб жаҳон маданиятининг, маънавиятининг етакчи алломалари сифатида тан олинган мутафакирларимиз ҳам ўз асарларида ёшлар таълим-тарбиясига, уларда инсоний фазилатларнинг шаклланишига, фойдали меҳнат қилишга, илм-фанни ўрганишга жиддий эътиборларини қаратганлар.

Мовароуннахрнинг улуғ мутафакирларидан Абу Наср Форобий ўз умри давомида илм-фаннинг турли соҳаларига бағишланган 160 дан зиёд асарлар битган. Улар орасида «Нуфузли шаҳар аҳолисининг мослиги», «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» (Рисола фи-т танбиҳ ала асбоб ас-саодат), «Фазилатли хулқлар» (Ас-сийрат ал-фозила) номли таълим-тарбияга оид асарлари инсон фазилатлари, таълим-тарбия борасидаги ноёб дурдоналар ҳисобланади³.

Табобат илмининг етакчи намояндаси сифатида танилган буюк қомусий аллома Абу Али ибн Сино 450 дан зиёд асарлар яратган. Шулардан 160 дан зиёди бизнинг давримизгача етиб келган бўлиб, 4 таси бевосита таълим-тарбияга оид. Шарқ мутафаккирларининг илмий асарлари, ижодий мерослари миллий қадриятларимизнинг, жаҳон маънавий меросининг жуда улкан қисми бўлиб, барча соҳаларда келажақ авлодга ўрганиш ва ўргатишда чексиз таълим-тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Халқимизнинг тарихи, маънавий, маданий ўтмиши билан боғлиқ бўлган тасвирий ва амалий санъатлари жуда улкан қимматга эгадир. Шарқ тасвирий ва амалий санъати тарихи жаҳоннинг шу туркумдаги ижодий меросининг салмоқли қисми ҳисобланади.

Халқнинг ички дунёсини, ҳиссиётлари туғёнини бирор буюм, материал ёки қоғозда бўёқлар, ранглар ёки ўймакорлик асосида акс эттириш, санъаткорлик даражасида ифода этиш тасвирий ва амалий санъатнинг асосини ташкил этади.

Мусаввирлик, графика санъати Шарқда қадимдан тарқалган бўлиб, Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод, Моний, Содик Бек Афшор, Устод Гунг, Устод Жаҳонгир, Устод Абдулхамид, Устод Шамсиддин, Устод Пир Саид Аҳмад Табризий, Аҳмад Боғи Шамолий, Шох Муҳаммад Тамимий, Қосим Али, Хўжа Ғиёсиддин Ҳиравий, Амршоҳ Сабзаворий, Мирак Наққош, Халил Мирзо Шоҳрухий, Султонали Машҳадий, Мавлоно Жаъфар Турбатий каби кўплаб йирик санъаткорлар жаҳон тасвирий санъатида маълум ва машҳур устодлар ҳанузгача эъзозланадилар⁴.

Ижодкорлик фаолияти, алоҳида кунт-эътибор, иқтидор, салоҳият маҳсули бўлган тасвирий ва амалий санъат жуда кўп қиррали, сержилодир. Демак, бу соҳа билан шуғулланган санъат намояндalари ўзига хос қобилиятли баркамол инсонлар бўлиб, ижоднинг бошқа соҳаларида ҳам салмоқли ютуқларга эришганлар. Масалан, шоир Жавҳарий совунгар, Мавлоно Хавофий тикувчи, шоир Мавлоно Мир Арғун чодир ясовчи

³ Axmedov M.B. Darsdan tashqari mashg'ulotlarda o'quvchilarning ijodiy faoliyatini rivojlantirish (Monografiya). –T.: ZUXRO BARAKA BIZNES, 2025.

⁴ Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Т.: Меҳнат, 1991, –274 б.

ва безовчи бўлганлар. Мавлоно Алишер Навоий ҳазратлари ҳам шоир, давлат арбоби бўлиш билан биргаликда мусаввирликда ҳам муваффақиятга эришган. Тасвирий ва амалий санъатнинг ажралмас қисмларидан ҳисобланган ўймакорлик санъати турли материалларга, тасвирларни ўйиб ёки бўрттириб тасвирлаш тарзида намоён бўлади. 200 дан зиёд турли тармоқларга бўлинадиган амалий санъат ҳам тарих силсилаларида тараққий этди, такомиллашди, ривожланди⁵.

Ўймакорлик – ўйиб нақш солиш касби; халқ амалий санъатининг энг қадимий ва кенг тарқалган турларидан (ганч, ёғоч, металл, суяк, тош ва б. ўймакорлиги) нақш ёки бирор тасвирни ёғоч, ганч, металл, тош, суяк ва бошқаларни ўйиб, тирнаб, чизиб, бўрттириб, тешиб ишланади. Ўймакорлик намуналари бино қисмларини, уй-рўзгор буюмларини безашда, ҳайкалчалар яратишда кенг қўлланилади⁶.

Ҳозирги пайтда республикамызда амалиётга жорий этилаётган таълим-тарбия тизимида, жумладан, ушбу тизимнинг умумтаълим босқичида бевосита амалий санъат турлари бўйича доимий равишдаги ўқув машғулоти олиб борилмайди. Амалий санъат таълими ҳам ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари ўқув фаолиятида, мустақил ўрганишларида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълим тизимида, хусусан, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг амалий санъат сирларини ўрганишларида синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этишнинг аҳамияти каттадир. Тасвирий ва амалий санъат бўйича ташкил этиладиган синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларни ўтказишда ўқувчиларнинг эстетик маданиятини шакллантириш, санъатнинг, гўзалликнинг ажойиб дунёсини ўрганишга, ҳис қилишга бўлган интилишларини, қизиқишларини шакллантириш ва тарбиялаш, ўз фаолиятини гўзал қилиб ташкил этишларига йўналтиришни мақсад этиб қўймоқ лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Axmedov M.B. Darsdan tashqari mashg'ulotlarda o'quvchilarning ijodiy faoliyatini rivojlantirish (Monografiya). –T.: ZUXRO BARAKA BIZNES, 2025, 196 b.
2. Akhmedov Mukhamod-Umar Bakhrudinovich, Kholmatova Feruzakhon Muhammad Umar qizi. Formation of creative processes in students through teaching composition in fine arts. «MULTIDISZIPLINÄRE FORSCHUNG: PERSPEKTIVEN, PROBLEME UND MUSTER» 9. APRIL 2021 • WIEN, REPUBLIK ÖSTERREICH, DOI 10.36074/logos-09.04.2021.v2.03. p. 14-16.
3. Bobomurodov Z.R., Axmedov M.B., Xasanova M.Z. Understanding composition through work analysis. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal), DOI: 10.5958/2249-7137.2021.00013.6.
4. Ахмедов М.Б. Ёғоч ўймакорлиги. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2017, 220 б.

⁵ Axmedov M.B. Amaliy bezak san'ati. –T.: Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi, 2025.

⁶ Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Т.: Меҳнат, 1991, —43 б.

5. 5. Axmedov M.B. Amaliy bezak san'ati. –T.: Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi, 2025, 460 b.
6. 6. Axmedov M.B. Qalamtasvir. –T.: ijod nashr, 2025, 456 b.
7. 7. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Т.: Меҳнат, 1991, 384 б.
8. 8. Хайруллаев М. Шарқ ренессанси ҳақида. –Т.: «Гулистон» журн. 1970, №8.
9. 9. Jabbarov Rustam Ravshanovich, . (2024). THE STUDY OF TEACHING APPLIED DECORATIVE ARTS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS THROUGH SOFTWARE SOLUTIONS: A REVIEW OF METHODOLOGICAL LITERATURE. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 5(10), 106–111. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-05-10-18>
10. 10. Nigmatjon Nozimovich Talipov (2024). THE STAGES OF DEVELOPMENT OF THE ART OF ENGRAVING IN ANCIENT PERIOD AND THE MIDDLE AGES. European Journal of Arts, (1), 67-71. doi: 10.29013/EJA-24-1-67-71
11. 11. Makhkamova Saodat Bakhtiyarovna (2024). THE FORMATION OF VISUAL ARTS SKILLS OF SCHOOLCHILDREN IN PERFORMING SKETCH, COMPOSITION AND CREATIVE WORKS. European Journal of Arts, (1), 63-66. doi: 10.29013/EJA-24-1-63-66
12. 12. Булатов, С. С. (2022). ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ РАНГТАСВИРДА, ОНА ОБРАЗИДАГИ ҒОЯЛАРНИ ИННАВАЦИОН БАДИИЙ ЕЧИМИ. In E Conference Zone (pp. 9-19).
13. 13. Boltaboev A.K., & Abdirasilov S.F. (2023). METHODOLOGICAL BASIS OF DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL-PEDAGOGICAL COMPETENCE IN STUDENTS BY MAKING PENCIL DRAWINGS AND DRAFTS. Экономика и социум, (3-2 (106)), 57-60.
14. 14. Komoldinov S.J., & Abdirasilov S.F. (2023). ON THE INTEGRITY OF ILLUSTRATION IN PAINTING LESSONS AND ITS RELATIONSHIP WITH COMPOSITION ACTIVITY. Экономика и социум, (3-2 (106)), 168-171.
15. 15. S. Abdirasilov, & B. B. Kurbanov. (2022). PORTRET JANRIDA ORQALI TALABALARDA BADIY OBRAZNI SHAKLLANTIRISH. Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences, 1(2), 53–59. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/srnss/article/view/282>